



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 7 март, № 46 (9217)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ АЙЁМИ

Мамлакатимизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда



Инсон ҳаётга келар экан, она бағрида оламни ҳис қилади, дунёни таний бошлайди, меҳри оғушида улғаяди. Она — ҳаётнинг ибтидоси. Турмушнинг завқи, сурури аёл билан. Бу нафис хилқат дунёни доим гўзал кўргиси келади. Борлиқни яшатиришга, яшатишга, кўркем қилишга интилади. Воқеан, ҳаёт аталмиш буюк неъмат мазмунан янада бойиб, жозибдор бўлиб боради.

Аёл — барча эзгуликларнинг деб-бачаси, камолот чўққисининг пойдевори. Шу боис яшариш ва яратувчанлик айёми — баҳорнинг ilk байрами ҳам аёлларга бахшида этилганда чуқур ҳақиқат ва адолат бор... 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни бутун жаҳонда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам кўтаринки руҳда нишонланади. Шу куни оналаримизга, опа-сингилларимизга, оила-

миз файзу фариштаси бўлган аёлларга меҳр-муҳаббатимизни, гўзал тилакларимизни такрор-такрор изҳор этамиз. Қалбларига шодлик улашамиз. Санага бағишланган асосий байрам тадбири пойтахтимиздаги Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Мухташам сарой аёлларимизнинг суврату сийратига монанд юксак дид ва нафосат билан безатилган. Бу ерга йиғилган юртимизнинг турли ҳудуд-

ларидан келган меҳмонлар — давлат ва жамоат арбоблари, сенатор ва депутатлар, зиёлилар, турли соҳалар номояндalари — барчанинг юз-кўзида чексиз қувонч, мамнуният, нур балқийди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қатнашиб, бутун мамлакатимиз аёлларини байрам билан чин қалбдан самимий муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, инсон ҳаётини, жамият тараққиётини хотин-қизларсиз, уларнинг эзгу фазилатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугун юртимизда аёллар тимсолида учинчи Ренессанс бунёдкори бўлиб майдонга чиқаётган 22 миллионлик ёш авлодни оналик меҳри билан тарбиялаб, вояга етказган буюк бир кучни кўраимиз.

Хотин-қизлар — тадбиркор, олим, муаллим, шифокор, муҳандис, давлат ва жамоат арбоби, бир сўз билан хонадонларимиз фариштаси, оила ва жамият таянчи, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!  
Сизларни, бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Инсон ҳаётини, жамият тараққиётини хотин-қизларсиз, уларнинг эзгу фазилатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз сизларнинг тимсолингида Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлиб майдонга чиқаётган 22 миллионлик ёш авлодни оналик меҳри билан тарбиялаб, вояга етказган буюк бир кучни кўраимиз. Сизлар тадбиркор, олим, муаллим, шифокор, муҳандис, давлат ва жамоат арбоби, бир сўз билан хонадонларимиз фариштаси, оила ва жамият таянчи, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Азиз опа-сингиллар!  
Биз юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш, муаммоларини ҳал қилиш бўйича мутлақо янги тизим яратдик. Барча қонун, фармон ва қарорларни қабул қилишда гендер масаласи бўйича ҳуқуқий механизмлар жорий этилди. Энди хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаат-

ларига таъсири баҳоланмай туриб бирорта қонун қабул қилинмади. Яратилган кенг имконият ва шароитлар ҳисобига 230 мингга яқин тадбиркор аёллар синфи шаклланди, миришкор фермер аёлларимиз 12 минг нафарга етди, илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшаётган олималаримиз 6 минг нафардан ошди. Утган йили дунё ареналарида шижоатли қизларимиз 167 та олтин, 193 та кумуш, 243 та бронза медалини қўлга киритгани таҳсинга сазовордир. Хотин-қизларимиз ҳаётидаги ана шундай катта ўзгаришлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Парламентларара Иттифоқнинг "Парламентдаги аёллар" рейтингидан 92 поғона юқорилаб, 36-ўринни эгаллади; "Гендер тенглик ва бошқарув" индексида 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди; Жаҳон банкининг "Аёллар, бизнес ва қонун" ҳисоботида эса ўз позициясини 43 поғонага яхшилаб, 48-ўринга чиқди. Фурсатдан фойдаланиб, турли соҳалардаги меҳнати, истеъдоди ва ақл-заковати билан Янги Ўзбекистонни барпо этишга муно-

сиб ҳисса қўшиб келаётган аёлларимизга, халқаро майдонларда Ватанимизни дунёга тараннум этаётган қизларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига самимий миннатдорлик билдираман. Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Аёлларни ишли ва даромадли қилиш масаласи ҳамisha эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Утган йили хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида 23,5 триллион сўм кредит йўналтирдик. Бунинг ҳисобидан 425 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз тадбиркорликка жалб қилинди. Мисол учун, тўқимачилик соҳасида 300 нафар аёлларни банд қилган янгиариқлик Нарғиза Бекуратова ўтган йили иккинчи фабрикасини очиб, яна 100 та иш ўрни яратди. Ушбу ишбилармон қизимиз 2025 йилда Анқара шаҳрида ўтказилган халқаро танловда "Хотин-қизлар учун энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор аёл" номинацияси гoliби бўлди. Мен бундай серғайрат қизларимизни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари, деб биламан. Уларни ҳар қанча қўллаб-қувватлашга

тайёрман. Шу боис бу йил 166 минг нафар хотин-қизлар замонавий касб ва тадбиркорликка, яна 100 минг нафари IT соҳасига ўқитилади. Шунингдек, опа-сингилларимизга ўз уйида тадбиркорлик қилиши учун "Даромадли аёл" дастурини бошлаймиз. Бу орқали лидер тадбиркорлар кўмағида касаначилик, хунармандчилик, паррандачилик, асаларчилик ва томорқачилик йўналишларида 50 минг нафар аёлнинг бандлиги таъминланади. Бундан ташқари, "Хамроҳ" дастури доирасида хотин-қизларнинг 3 мингта лойиҳасига жами 1 триллион сўм ажратилади. Умуман, жорий йилда 1,5 миллион нафар аёлни даромадли қилиш, шундан 400 минг нафарини бизнесга жалб этиш бўйича катта марра олганмиз. Ушбу мақсадлар учун 25 триллион сўмдан зиёд ресурслар йўналтирилади. Боз вазир ўринбосарлари Ж. Қўчқоров, З. Маҳкамова, Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирини Б. Зоҳидов, Марказий банк раиси Т. Ишметов, вилоят ҳокимлари бу ишларга масъул бўлади. Кадрли юртошлар! Бугун олийгоҳда ўқиётган қизларимиз сони

904 мингдан ошиб, жами талабаларнинг 54 фоизини ташкил этмоқда. Утган йили 60 нафар қизимиз дунёдаги энг нуфузли олийгоҳларга ўқишга киргани албатта барчамизни қувонтиради. Стажёр-тадқиқотчилар ва докторантурада таҳсил олаётганларнинг 8,5 минг нафари, яъни 61 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани ҳам эътиборлидир. Бугунги анжуманимизда қатнашаётган қизларимиз — Кегейли туманидан Индира Сатниязова, бухоролик Вазира Файзуллаева, навоийлик Махшур Кудратованинг халқаро фан олимпиадаларида эришган ютуқларини ҳамда бир қатор халқаро стартап танловлари гoliби бўлган бувайдалик Дилафруз Жўрабоева нуфузли "Microsoft" компаниясининг Ўзбекистондаги элчиси сифатида эътироф этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Янги ўқув йилидан бошлаб эҳтиёжманд оилалардаги аёлларимиз учун давлат гранти квотасини 2 қарра ошириб, 4 мингтага етказамиз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### 2026 йилги НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, жамиятда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида улкан қадамлар ташланмоқда. Буларнинг барчаси қадимий тарих ва анъаналарга эга бўлган шарқона янги йил байрами — Наврўзи оламнинг инсонпарварлик моҳияти, унинг бағрикенглик, саховат ва меҳроқибат каби азалий қадриятлари аҳамиятини янада юксалтирмоқда.

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган том маънодаги тарихий ўзгаришларга мос ҳолда, маъно-мазмунли тобора чуқурлашиб бораётган Наврўз айёмини барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун юртимизда умумхалқ сайли сифатида, юксак ташкилий савияда ва кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. 2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **ташкилий қўми**та (кейинги ўринларда — Ташкилий қўми) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий қўми (А. Арплов) **бир ҳафта мuddатда:**

а) Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият ва замири, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва "Нуроний" жамғармасининг таклифига кўра Наврўз умумхалқ байрамининг гоявий мазмунини кучайтиришга оид концептни (кейинги ўринларда — Концепт) тасдиқласин;

(Давоми 2-бетда).

## АЁЛЛАР — ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Танзила НОРБОЕВА,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенати Раиси

Ўлкамизда қиш фасли ўзининг бор таровати билан бу йилги мўл-кўлчилик, кут-баракат учун мустаҳкам замин яратиб, ўз ўрнини фасли навбахорга бўшатиб бераётган бир паллада, табиатга монанд инсонлар қалбида ҳам ўзига хос илиқлик, эзгулик ва саховат туйғулари жўш уради, яшариш ҳамда янгиликни интилиш кучаяди. Шу кунларда биз мана шундай кўтаринки руҳиятни, айниқса, мунис аёлларимиз, гўзал қизларимизнинг юз-кўзларида янада яққолроқ кўрмоқдамиз...

### Муносабат

Президентимиз 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан опа-сингилларимизга йўлаган байрам табриғида ўзининг самимий тилақларини билдириб, уларнинг барча жабҳада олиб бораётган фидокорона меҳнатини муносиб эътироф этди.

Ушбу шодиёна арафасида суд органлари, ишлаб чиқариш тармоқлари, тадбиркорлик, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёллар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан муқофотлангани, фаол қизларимизнинг Зулфия номидаги

Давлат муқофоти билан тақдирлангани байрамга ўзгача шукҳ ҳамда кўтаринкилик бахш этмоқда... Дарҳақиқат, аёлни қадрлаган, унинг эркинлиги, бахту камолини таъминлаган эл ҳеч қачон кам бўлмаган. Қўшна тарих саҳифаларидан бунга исталганча мисол топиш мумкин. Соҳибқирон Амир Темур Бибиноним шарафига қурдирган мадраса, бобурийзода подшоҳ Шохжаҳон бунёд этган "Тож Маҳал" аслрлар оша кўр тўкиби, халқимизнинг аёл зотиға, Онаға эҳтиромини, унинг шаънини ҳимоя қилиш ва қадр-қимматини оширишга бўлган садоқатини бутун дунёға яққол намоён этиб турибди. Тобора мустаҳкамланиб, кадрланиб келаётган ушбу аънаа бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган ҳаётбахш ислохотлар жараёнида янада кенг қўламада намоён бўлмоқда.

3

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

“ТОП — 300” талиқдаги олийгоҳлар билан қўшма таълим асосида магистратура босқичида таълим олаётган талаба қизларнинг контракт пуллари ҳам давлат томонидан тўлаб берилади.

Энди ҳар йили хотин-қизларнинг инновацион гоъяларини қўллаб-қувватлаш учун камида 10 та йўналиш бўйича стартап танловлари ўтказилади. Бунда ҳар бир йўналиш голибига Инновация жамғармасидан 500 миллион сўмгача грант берилади. Мактабларнинг 11-синфини битириб, давлат техникумларига кирган қизларни касбга ўқитиш тўлиқ давлат гранти асосида бўлади.

Ўйлаётганим, бу ташаббуслар хотин-қизларимиз учун янги имкониятлар эшигини очиб беради.

Азиз дўстлар! Аёллар ва болаларга нисбатан таълим ва зўравонликка қарши муро-сасиз муҳит яратиш — биз учун стратегик вазифа. Шу ҳафтада яна бир му-ҳим фармонни имзоладим. Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар

қандай зўравонлик ва таълик ҳолатла-рига қарши қатъий тизим асосида ку-раш олиб борамиз.

Яна бир муҳим масалага тўхталмоқ-чиман. Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида 2589 нафар аёл жазо муддатини ўтамоқда.

Турли сабабларга қўра, билиб-бил-май жиноятга қўл урган ушбу аёллар ҳам шу юртининг фуқаролари. Уларни ижтимоий ҳаётга қайтариш, жамият-нинг тўлақонли аъзосига айлантириш тўғрисида ҳам жиддий ўйлашимиз керак.

Жазони ўтаётган аёлларнинг 1239 нафари ўрта маълумотли, на кас-би, на ҳунари бор. Уларнинг 443 на-фари олий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирган. Шу боис бундай хотин-қизлар билан манзилли ишлаш бўйича “Янги ҳаёт” дастурини бошлаймиз.

Ички ишлар вазирлиги Касбий таъ-лим агентлиги ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан жазони ўтаётган аёллар-ни 3 — 6 ойлик касб дастурлари бўйи-ча ўқитиб, сертификат беради. Шунинг-

дек, маҳжумаларга ўша ернинг ўзида имтиҳон топшириб, олийгоҳларга ки-риш ва масофавий ўқиш имкониятини яратиш берамиз.

Контракт бўйича ўқишга қабул қилинганларга жазони ўтаб, ишга жой-лашганидан кейин қайтариш шарти бил-ан фойсиз ссуда ажратилади.

Мухтарам онахонлар, қадрли опа-сингиллар!

Бугун Янги Ўзбекистон ўз тарақ-қийтининг янги босқичига дадил ки-риб бормоқда. Биз ўз олдимишга, аввало, инсон бахти, инсон қадр-и учун хизмат қиладиган улкан мақ-садлар қўйганмиз. Чунки **инсон бахти — оиладан бошланади, оила эса аёл билан мустақкам**. Келажак авлодлар ана шу муқаддас маконда камолга етади. Хеч шубҳа-сиз, бу борада қизларимизнинг маънавий тарбияси ҳал қилувчи ўрин тутади.

Меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас қасблар қизлари-миз қалбига бувижонларнинг насиҳат ва ўғитлари билан қиради. Бундай оилада тарбия олган қизларимиз

юриш-туриши, одоб-ахлоқи ва ҳаётга муносабати билан тенгдошларига на-муна бўлиб келган. Бугунги шариоитда ана шу тарбия мактабига эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди.

Шу ўринда мен ўта оғир синов дам-лариди ҳам қадди букилмаган, бутун умрини оиласига, фарзандига бағиш-лаган барча онахонларимизга мурожа-ат қилмоқчиман.

Биз 2026 йилни **“Маҳаллани ри-вожлантириш ва жамиятни юк-салтириш йили”**, деб эълон қилган-имиз бежиз эмас. Дунёдаги вазият қандай таҳликали бўлиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Бундай мураккаб даврда юртимиз-даги тинчлик ва оқилоллик Аллоҳ таоло берган улғў неъмат эканини яна-да чуқур ҳис этмоқдамиз. Уни асраш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчи-мизидир.

Мана шундай шариоитда дуоғўй бу-вижонларимиз, мўтабар онахонлари-миз оилаларда бу неъматнинг қадр-ига етиш, уни асраб-авайлаш ва фар-зандлар, набираларга шукроналик туй-

ғусини синдиришда намуна бўлади-лар, деб ишонаман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Инсон учун ўз меҳнатининг маҳсу-лини кўриш, эътироф ва эътиборга са-зovor бўлиш катта бахт.

Ушбу қўлтуғ байрам арафасида юр-тимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган аёлларимиздан бир гуруҳини давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирлаш бўйича фармонни имзоладим. Шунингдек, аёнага қўра, ўқиш ва ижод-да, илм-фан, спорт ва жамоат ишлар-ида фаол бўлиб келаётган қизлари-миздан яна 28 нафари Зулфия номи-даги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Бутун халқимиз номидан мукофот соҳибларини яна бир бор табрик-лайман.

Мухтарам опа-сингиллар! Сўнги йилларда сиз, азизлар бил-ан, халқимиз билан бирга илгари та-рихимизда бўлмаган буюк ишларни амалга оширдик.

Машаққатли, ҳалол меҳнатимиз билан бутун дунёнинг эътирофи ва

ҳурматида сазовор бўлмоқдамиз. Энг муҳими, ҳар бир соҳа ва тар-моқда Янги Ўзбекистон мактаби шаклланимоқда.

**Биз учун бугунги ўта оғир ва му-раккаб замонда олдимишга қўйган улкан марраларни эгаллашда яна-да бирлашиб, ҳамжихат бўлиб меҳ-нат қилиш ҳар қачонгидан ҳам му-ҳим вазифадир.**

**Янги Ўзбекистонни аёллари ҳаёт-дан рози бўлиб, бахтли-саодатли яшайдиган мамлакатга айлантириш — менинг энг катта ниятим.**

Ишончим комил, тизимлик фидойи, шижоатли, меҳнаткаш аёлларимиз, бу-тун халқимиз билан бирга эзгу мақ-садларимизга, албатта эришамиз!

Сўзимнинг якунида бутун Ўзбекис-тон хотин-қизларини кириб келаётган нафосат айёми, гўзаллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан таб-риқлайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, хо-надонларингизга тинчлик-омонлик, оилавий бахт-саодат ёр бўлишини ти-лайман.

Байрамингиз муборак бўлсин!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# 2026 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

б) Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Рес-публикаси ва вилоятлар марказлари, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш бўйича **“Наврўзни улғулаш — инсонни улғулашдир!”** деган эзгу гоъяни ўзида муҳасам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот тадбир-лари дастурини тасдиқласин ва унинг амал-га оширилишини таъминласин.

3. Жойларда Наврўз умумхалқ байрами-га бағишланган барча тадбирларни Кон-цептда баён этиладиган асосий йўналиш ва тавсияларга мос ҳолда юксак даражада ташкил этиш, уларда юртдошларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

а) байрам тадбирларини борлиқнинг уй-ғониши, инсон ва табиат ўртасидаги уйғун-лик, она заминга меҳр ва эътиборни ифода этиладиган, юртдошларимизни тинч ва осуда ҳаётимизни қадрлаб, сув ва ер ресурслари-дан оқилона фойдаланиб, шукроналик туйғуси билан яшашга чорлайдиган таъсир-чан мазмун ва шаклда ўтказиш;

б) мамлакатимизда амалга оширилаёт-ган туб демократик ислохотлар, халқимиз-нинг кундалик ҳаёти, онги ва дунёқарашид-а юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ўзаро бирлик ва ҳамжихатлик фазилатлари Наврўз кунларида айниқса яққол намоён бўлишини тарғиб этиш;

в) бу йилги Наврўз муборак Рамазон ҳайити байрами билан ҳамоҳанг тарзда ни-шонланиши унинг инсонпарварлик тамойил-ларини янада кучайтиришини инобатга олиб, кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фрон-ти фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уй-ларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ва кўмакка муҳ-тож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун байрам дастурхонларини ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини маҳалла фаоллари, ёшлар ва хотин-қизлар вакилла-ри иштирокида уюшқоқлик билан ўтказиш;

г) “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида белгиланган тадбирларни амал-га ошириш, байрам арафасида барча худуд-ларда, кўча ва майдонлар, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўка-ламзорлаштириш тадбирларини ўтказиш, **“Мен ҳам кўчат экман”** акцияларини, умумхалқ ҳашарларини ташкил этиш;

д) жамиятимизда ҳукм сураётган миллат-лараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мус-таҳкамлаш мақсадида юртимизда исти-қомат қилаётган турли миллат ва эллар вакилларининг миллий урф-одатлари, аён-ана ва қадриятларини кенг намойиш қилиш;

ж) байрам тадбирлари давомида хунар-мандчилик кўргазмалари, миллий спорт тур-лари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб кўргазмалари, арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотлари яр-маркалари, кўчма савдо дўконларини таш-

кил этиш, кўклам таомларини тайёрлаш ҳамда бу борада кўргазмалар савдо ва тан-ловларни уюштириш;

з) барча шаҳар ва қишлоқларда ўткази-ладиган байрам тантаналарида, оммавий ах-борот воситаларида Наврўз байрамининг та-рихи, ҳар бир ҳудудда уни нишонлаш билан боғлиқ удум ва аънавларни кенг ёритиш;

и) Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” саймуасида алоҳида дастур асосида халқ сайилларини ташкил этиш.

4. Маданият вазирлиги (О. Назарбеков) Республика Маънавият ва маърифат маркази (О. Хасанов), Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-маси (С. Саидов) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** Концептга мувофиқ Тош-кент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган асосий кон-церт томошасининг дастурини ишлаб чиқсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳркимияти:

а) **бир ҳафта муддатда** Наврўз умум-халқ сайилларини ўтказиш бўйича қуйида-гиларни назарда тутадиган ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

и) умумхалқ сайиллари уюштириладиган асосий майдонлар, кўча ва хиёбонларни байрамона безатиш;

ii) сайил ва томошаларни маҳаллий таж-рибали сценаристлар ва режиссёрлар, ком-позитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочи-лар, фольклор санъати вакиллари билан биргаликда юқори бадиий савияда тайёр-лаш чораларини кўриш;

iii) байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ уйинлари, то-мошалар, кўргазмалар ўтказиб, баҳор таомлари сотиладиган очиқ ошхоналар таш-кил қилиш;

б) байрам дастурларини ва оммавий то-мошаларни тайёрлашда, кўчалар, майдон ва хиёбонларни безатишда малакали мута-хассислардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) барча тадбирлар жамоат хавфсизли-ги талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирларининг харажатлари:

а) **Тошкент шаҳрида** — республика бюд-жети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблаглари ҳисобидан тенг улушларда;

б) **Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда** — тегишли маҳаллий бюджет-лар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентли-ги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпан-ияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

## ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ АЙЁМИ



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш, муаммоларига ечим топиш бўйи-ча мутлақо янги тизим яратилди. Барча қонун, фармон ва қарор-ларни қабул қилишда гендер масаласи бўйича ҳуқуқий меха-низмлар жорий этилди. Энди хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва ман-фаатларига таъсири баҳоланмай туриб бирорта қонун қабул қилинмайди.

Яратилган кенг имконият ва шариоитлар ҳисобига аёллар жа-миятда ўз муносиб ўрнини топ-моқда. Жумладан, 230 мингга яқин тадбиркор аёллар синфи шаклланди. Давлат бошқаруви, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақ-лаш, таълим, илм-фан, спорт, санъат, қўйинчи, барча жабҳада фаол аёллар улushi муттасил кенгайиб бормоқда.

Хотин-қизларимиз ҳаётидаги ана шундай катта ўзгаришлар дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Президентимиз турли соҳалар-даги меҳнати, истеъдоди ва ақл-заковати билан Янги Ўзбекистон-ни барпо қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган аёлларимизга, халқаро майдонларда Ватани-мизни дунёга тараннум этаётган қизларимизга, уларнинг ота-она-лари, устоз ва мураббийлари-га самимий миннатдорлик бил-дирди.

Хотин-қизларнинг таълим оли-ши, тадбиркорлик қилиши, жамия-ятда ўз ўрнини топиши учун чора-тадбирлар бундан кейин ҳам из-чил давом эттирилиши таъкид-ланди. Хусусан, бу йил 166 минг нафар хотин-қиз замонавий касб ва тадбиркорликка, яна 100 минг нафари ИТ соҳасига ўқитиладди. Шунингдек, опа-сингилларимиз-га ўз уйида тадбиркорлик қили-ши учун “Даромадли аёл” дасту-ри бошланади. Бу орқали лидер тадбиркорлар кўмағида қасана-чилик, хунармандчилик, парран-дачилик, асаларичилик ва томор-чилик йўналишларида 50 минг нафар аёлнинг бандлиги таъмин-ланади. Бундан ташқари, “Хамроҳ” дастури доирасида хо-тин-қизларнинг 3 мингта лойи-ҳасига жами 1 триллион сўм аж-ратилади.

Умуман, жорий йилда 1,5 мил-лион нафар аёлни даромадли қилиш, шундан 400 минг нафа-рини бизнесга жалб этиш бўйи-ча катта марра олинган. Ушбу мақсадлар учун 25 триллион сўмдан зиёд ресурс йўналтири-лади.

Янги Ўзбекистонда хотин-қиз-лар таълими давлат сиёсати да-ражасига кўтарилган. Истиқбол-да ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Жумладан, янги ўқув йилидан бошлаб эҳти-

рилаётган ишлар инсон қадрини улғулашга қаратилган инсонпар-вар сиёсатнинг узвий қисмидир. Президентимизнинг шу йил 3 март-даги “Аёллар ва болалар ҳуқуқла-рининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таълим ва зўравонлик ҳолатларининг олди-ни олиш бўйича қўшимча ташки-лий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”-ги Фармони бу борадаги исло-хотларни янги босқичга кўтарди.

Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ва таълик ҳолатларига қарши қатъий тизим асосида кураш олиб борилади.

Шу билан бирга, билиб-бил-май жиноятга қўл урган аёллар-ни ижтимоий ҳаётга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш масаласига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида 2589 на-фар аёл жазо муддатини ўтамоқ-да. Уларнинг 1239 нафари ўрта маълумотли, на касби, на ҳунари бор. Жазони ўтаётган аёлларнинг 443 нафари олий таълим даргоҳ-ларида ўқиш истагини билдир-ган. Шу боис бундай хотин-қиз-лар билан манзилли ишлаш бўйича “Янги ҳаёт” дастури бош-ланиши таъкидланди. Бунда маҳ-кумалар 3 — 6 ойлик касб дасту-рлари бўйича ўқитилиб, серти-фикат олади. Шунингдек, маҳку-маларга муассасанинг ўзида им-тиҳон топшириб, олийгоҳларга кириш ва масофавий ўқиш им-



Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ва таълик ҳолатларига қарши қатъий тизим асосида кураш олиб борилади.

Шу билан бирга, билиб-бил-май жиноятга қўл урган аёллар-ни ижтимоий ҳаётга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш масаласига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида 2589 на-фар аёл жазо муддатини ўтамоқ-да. Уларнинг 1239 нафари ўрта маълумотли, на касби, на ҳунари бор. Жазони ўтаётган аёлларнинг 443 нафари олий таълим даргоҳ-ларида ўқиш истагини билдир-ган. Шу боис бундай хотин-қиз-лар билан манзилли ишлаш бўйича “Янги ҳаёт” дастури бош-ланиши таъкидланди. Бунда маҳ-кумалар 3 — 6 ойлик касб дасту-рлари бўйича ўқитилиб, серти-фикат олади. Шунингдек, маҳку-маларга муассасанинг ўзида им-тиҳон топшириб, олийгоҳларга кириш ва масофавий ўқиш им-

рилаётган ишлар инсон қадрини улғулашга қаратилган инсонпар-вар сиёсатнинг узвий қисмидир. Президентимизнинг шу йил 3 март-даги “Аёллар ва болалар ҳуқуқла-рининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таълим ва зўравонлик ҳолатларининг олди-ни олиш бўйича қўшимча ташки-лий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”-ги Фармони бу борадаги исло-хотларни янги босқичга кўтарди.

Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ва таълик ҳолатларига қарши қатъий тизим асосида кураш олиб борилади.

Шу билан бирга, билиб-бил-май жиноятга қўл урган аёллар-ни ижтимоий ҳаётга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш масаласига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида 2589 на-фар аёл жазо муддатини ўтамоқ-да. Уларнинг 1239 нафари ўрта маълумотли, на касби, на ҳунари бор. Жазони ўтаётган аёлларнинг 443 нафари олий таълим даргоҳ-ларида ўқиш истагини билдир-ган. Шу боис бундай хотин-қиз-лар билан манзилли ишлаш бўйича “Янги ҳаёт” дастури бош-ланиши таъкидланди. Бунда маҳ-кумалар 3 — 6 ойлик касб дасту-рлари бўйича ўқитилиб, серти-фикат олади. Шунингдек, маҳку-маларга муассасанинг ўзида им-тиҳон топшириб, олийгоҳларга кириш ва масофавий ўқиш им-

рилаётган ишлар инсон қадрини улғулашга қаратилган инсонпар-вар сиёсатнинг узвий қисмидир. Президентимизнинг шу йил 3 март-даги “Аёллар ва болалар ҳуқуқла-рининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таълим ва зўравонлик ҳолатларининг олди-ни олиш бўйича қўшимча ташки-лий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”-ги Фармони бу борадаги исло-хотларни янги босқичга кўтарди.

Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ва таълик ҳолатларига қарши қатъий тизим асосида кураш олиб борилади.

Шу билан бирга, билиб-бил-май жиноятга қўл урган аёллар-ни ижтимоий ҳаётга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш масаласига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида 2589 на-фар аёл жазо муддатини ўтамоқ-да. Уларнинг 1239 нафари ўрта маълумотли, на касби, на ҳунари бор. Жазони ўтаётган аёлларнинг 443 нафари олий таълим даргоҳ-ларида ўқиш истагини билдир-ган. Шу боис бундай хотин-қиз-лар билан манзилли ишлаш бўйича “Янги ҳаёт” дастури бош-ланиши таъкидланди. Бунда маҳ-кумалар 3 — 6 ойлик касб дасту-рлари бўйича ўқитилиб, серти-фикат олади. Шунингдек, маҳку-маларга муассасанинг ўзида им-тиҳон топшириб, олийгоҳларга кириш ва масофавий ўқиш им-

рилаётган ишлар инсон қадрини улғулашга қаратилган инсонпар-вар сиёсатнинг узвий қисмидир. Президентимизнинг шу йил 3 март-даги “Аёллар ва болалар ҳуқуқла-рининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таълим ва зўравонлик ҳолатларининг олди-ни олиш бўйича қўшимча ташки-лий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”-ги Фармони бу борадаги исло-хотларни янги босқичга кўтарди.

Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ва таълик ҳолатларига қарши қатъий тизим асосида кураш олиб борилади.

Шу билан бирга, билиб-бил-май жиноятга қўл урган аёллар-ни ижтимоий ҳаётга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш масаласига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида 2589 на-фар аёл жазо муддатини ўтамоқ-да. Уларнинг 1239 нафари ўрта маълумотли, на касби, на ҳунари бор. Жазони ўтаётган аёлларнинг 443 нафари олий таълим даргоҳ-ларида ўқиш истагини билдир-ган. Шу боис бундай хотин-қиз-лар билан манзилли ишлаш бўйича “Янги ҳаёт” дастури бош-ланиши таъкидланди. Бунда маҳ-кумалар 3 — 6 ойлик касб дасту-рлари бўйича ўқитилиб, серти-фикат олади. Шунингдек, маҳку-маларга муассасанинг ўзида им-тиҳон топшириб, олийгоҳларга кириш ва масофавий ўқиш им-

рилаётган ишлар инсон қадрини улғулашга қаратилган инсонпар-вар сиёсатнинг узвий қисмидир. Президентимизнинг шу йил 3 март-даги “Аёллар ва болалар ҳуқуқла-рининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таълим ва зўравонлик ҳолатларининг олди-ни олиш бўйича қўшимча ташки-лий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”-ги Фармони бу борадаги исло-хотларни янги босқичга кўтарди.

Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ва таълик ҳолатларига қарши қатъий тизим асосида кураш олиб борилади.

Шу билан бирга, билиб-бил-май жиноятга қўл урган аёллар-ни ижтимоий ҳаётга қайтариш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш масаласига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида 2589 на-фар аёл жазо муддатини ўтамоқ-да. Уларнинг 1239 нафари ўрта маълумотли, на касби, на ҳунари бор. Жазони ўтаётган аёлларнинг 443 нафари олий таълим даргоҳ-ларида ўқиш иста

# АЁЛЛАР — ОИЛА ВА ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг бевоқифа ҳаётимиздаги юқори натижалари ушбу йўналишга доир долзарб вазифаларни Президентимиз аниқ белгилаб бергани, **“Бирорта хотин-қиз давлат ва жамият эътиборидан четда қолмайди”**, деган тамойил асосида қатъий назорат остида тўлақонли ижроси таъминланаётгани билан ҳамбарчас боғлиқ. Биз буни оддийгина қилиб раҳбар масъулияти билан боғлашимиз мумкин. Бироқ давлатимиз раҳбарининг **“Қадр аёлдан бошланса, қадримиз янада баланд бўлади!”**, деган гапларининг маъноси чақадиган бўлса, бу фикр юксак инсоний туйғулар ҳосиласи эканини, ўзини ҳурмат қилган миллат, ўз қадрини ўйлаган ҳар бир киши учун унга амал қилиш нақадар муҳимлигини англаб етатишимиз мумкин. Бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган ижтимоий муҳит эса инсонларда ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ўзига ишончини оширишда энг муҳим омил сифатида муҳим аҳамият касб этади.

## Нозик қалб ва бетакрор закога эҳтиром

Халқимиз азалдан қизларга, оналарга миллат тарбиячилари сифатида алоҳида эътибор қаратиб келган. Маърифатпарвар боболаримиз бежиз **“Онларни ўқитсак, миллатни ўқитган бўламиз”** деган фикр билан аёлларнинг билимли, илмли бўлишига жон куйдирмаган. Бугун аждоқларимизнинг орзу-умидлари рўёбга чиқмоқда. Хотин-қизлар таълимига нафақат уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг, балки келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишдаги энг муҳим омил сифатида қаралмоқда.

Холисона айтганда, аёлларнинг ташвиш ва машаққати ҳам, зиммасидаги масъулияти ҳам эркакларга нисбатан анча юқори. Улар таълим олиш, меҳнат қилиш билан бирга, уй юмушлари ва фарзанд тарбияси билан ҳам шуғулланишади. Мақтабни аёло баҳолашга битириб, оилавий шароити ёки бошқа сабабларга кўра ўқишни давом эттиролмай, бутун умри афсус-надомат билан ўтаётган аёллар ҳақида кўп эшитганмиз.

Яқинда, байрам арафасида бу муаммога ҳам оқилона ечим топилди. Президентимиз имзолаган **“Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйик ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”**ги Фармонда ҳиммалдор ёки 3 ёшга бўлган фарзанди тарбияси билан шуғулланаётган талаба-қизларга олий таълимни давом эттириши учун “иккинчи имконият” сифатида қатор имтиёз ва қулайликлар тақдим қилиш назарда тутилди.

Сўнгги йилларда қизларимизнинг таълим олишига муносабат тубдан ўзгарди. Президентимизнинг ташаббуси, алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги туфайли хотин-қизларнинг ўрта махсус, олий маълумот олиши учун шундай кенг имкониятлар яратилдики, уларнинг миқёсини, ҳаётдаги аҳамиятини биргина сўз билан ифодалаш қийин.

Жумладан, давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичида таълим олаётган қизларга фойдаланиш берилмоқда, магистратурада ўқиётган барча хотин-қизларнинг шартнома тўлови қайтариш шартисиз тўлиқ Давлат бюджетидан қопланмоқда. Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизларни ҳар йили олий таълим муассасаларига алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ тўлов шартнома асосида ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилди.

Президентимиз ўз нутқида эндиликда дунёдаги “ТОП — 300” талиқдаги олийгоҳлар билан йўлга қўйилган қўшма таълим дастурлари асосида магистратура босқичида таълим олаётган талаба қизларнинг шартнома пуллари ҳам давлат томонидан тўлаб берилишини маълум қилди.

Шу ўринда бугун давлатимизнинг ижтимоий сиёсатида ҳам қизлар таълимига алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиб ўтиш лозим. Жумладан, эҳтиёжманд оилалардаги барча талабгор хотин-қизларга

қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш амалиёти йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбари 2026/2027 ўқув йилида бошлаб эҳтиёжманд оилалардаги аёллар учун давлат гранти квотаси 2 қарра оширилиб, 4 мингга етказилишини эълон қилди.

Биз юқорида келтириб ўтган биргина таълим, илм-фан соҳасида яратилган имкониятлар аёлларимизни қанчалик фойдалаштирганлини, ҳаётига янги мазмун бахш этганини рақамларда яққол кўришимиз мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирда олий ўқув юртлирида ўқиётган қизларнинг сони 904 мингдан ошиб, жами талабаларнинг 54 фоизини ташкил этмоқда. 2017 йилдагига нисбатан оладиган бўлса, бу кўрсаткич 38 фоизга ошганини кўраимиз.

Тасаввур қилинг, 2018/2019 ўқув йилида магистратурада ўқиётган талаба қизлар сони 4 488 нафар бўлган, 2025/2026 ўқув йилига келиб эса уларнинг сони 40 минг 780 нафарга етган. Чўқурроқ мушоахада этсак, мазкур рақамлар нимадан дарак беради? Аввало, улар танлаган касби бўйича билимларни пухта ўзлаштирган, маълум бир амалий тажрибага эга етук мутахассис бўлиб етишади. Иккинчидан, улар бугунги меҳнат бозоридagi кучли рақобатга бардошлилиги билан мустаҳкам иш жойига эга бўлади.

Яна бир қувонарли далил: сўнгги йилларда “Эл-юрт умиди” жамғармаси танловда ғолиб бўлаётган қизларимиз кўпайиб бормоқда. Ҳозирда дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида тўлиқ давлатимиз гранти билан таълим олаётган 664 нафар талаба ва илмий тадқиқотчининг 231 нафарини, яъни 35 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Утган йили 60 нафар қиз дунёдаги энг нуфузли олийгоҳларга ўқишга кирган.

Олий таълимдан кейинги босқичда ҳам гендер тенгликни таъминлаш, қизларимизни қўллаб-қувватлаш, илмий салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида улар учун ҳар йили камида 300 та алоҳида квота ўрни ажратиш йўлга қўйилди. Аёл тадқиқотчиларнинг сунъий интеллект, “рақамли”, “яшил” технологиялар каби истиқболли йўналишларга қизиқиши тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Умуман олганда, бугунги кунда мамлакатимизда минглаб хотин-қизлар турли соҳалар бўйича илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда. Амалиётга татбиқ этилаётган илмий ишланмаларнинг 25 фоизи олим аёлларимиз ҳиссасига тўғри келмоқда. Бундай имкониятлардан хотин-қизларнинг тўлиқ фойдаланаётгани, нафақат сон,

мизда рағбат сезмадик. Оқибатда узоқ йиллар давомида мазкур масалага комплекс ёндаша олмадик.

Президентимиз лавозимига киришган илк йиллардан оқибат соҳалар қаторида хотин-қизлар билан ишлаш тизимини тубдан қайта ташкил этиш, жамики муаммоларни юзага чиқариш ҳамда уларни ҳал этиш борасида аниқ натижани таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни кун тартибига қатъий олиб чиқди.

Ўнлаб қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, хотин-қизларнинг жамиятдаги ҳамада давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида Гендер стратегияси доирасида аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўқитиш, зўравонлик ҳамда тазйик ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, бошқа долзарб вазифалар ижросига қаратилган 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

**“Аёллар ва болаларга нисбатан тазйик ва зўравонликка қарши муросасиз муҳит яратиш — биз учун стратегик вазифа. Шу ҳафтада яна бир муҳим фармонни имзоладим. Энди хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ва тазйик ҳолатларига қарши қатъий тизим асосида кураш олиб борамиз”**, деди Президентимиз.

Ўтган йилда халқроқ ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз янада фаоллашиб, Европа Иттифоқи билан биргаликда “Гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш” лойиҳаси ишга туширилди. Синев тарихида 2026 йил учун бюджет дастурларига гендер тенглик бўйича мақсадли кўрсаткичларни жорий этиш ишлари бошланди. Халқроқ меҳнат ташкилоти ва БМТ Аёллар тузилмаси билан ҳамкорликда гендер аудитини ўтказиш услубияти тақомиллаштирилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Албатта, олий маълумотга эга аёлларимизнинг сони кўпайётгани уларнинг давлат бошқаруви, тадбиркорлик ва бошқа соҳалардаги фаоллиги тобора ортиб бораётгани ҳамда ҳаммаёни бўлмақда. Миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар салмоғи аввалги йиллардагига нисбатан икки баробар оширилиб, 1 300 нафарга етказилди ва улар айна пайтда умумий захирага олинган номзодларнинг 27 фоизини ташкил қиляпти.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 27 фоиздан 35 фоизга етди. Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 27 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг эса 38 фоизини хотин-қизлар

дафтарига киритилган 1 миллион 20 минг нафардан ортиқ хотин-қизларга берилган амалий кўмак натижасида уларнинг аксарияти ишли бўлди, кимгадир касб-хунар ўргатилди, яна кимдир моддий қўллаб-қувватланди. Энг муҳими, улар ўз муаммоси билан ёлғиз, чорасиз қолдирилмади.

Яна бир эътиборли жиҳати, бу тизим орқали аёллар тадбиркорликка жалб этилди, кредит ва субсидиялар берилди, ижтимоий ҳимоя чоралари кўрилди. Чунки аёлнинг ҳаётидаги кичик ижобий ўзгариш ҳам бутун оила, жамият тақдирига таъсир қилади.

Тахлилларга кўра, 2020 — 2025 йил-

ликни қўллаб-қувватлаш бўйича глобал кампанияни илгари сурган илк мамлакат сифатида эътироф этди.

Шунингдек, Варшавада бўлиб ўтган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 2025 йилги Инсон ўлчови бўйича конференцияси доирасида “Гендер тенглигининг келажаги: Ўзбекистоннинг глобал аёллар ҳуқуқлари кун тартибига кўшган ҳиссаси” мавзусида қўшимча тадбир ҳам ташкил этилди. Тадбир давомида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ислохотлар ва устувор йўналишлар муҳокама қилинди. Гендер муносабатларда зўравон-

Албатта, аёлларимиз шаънига айтилган бундай илиқ сўзлар, юксак ишонч қалбларга ғурур бахш этади, шу билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам оқлайди. Ўтган қисқа муддатдаги амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, жамиятимиздаги қўллаб муаммоларни оиладаги тўғри тарбия орқали ҳал этиш мумкин. Шу жиҳатдан юртдошларимизда давлатга, жамиятга, оиласига нисбатан дахлдорлик ҳиссини ошириш муҳим. Эндиликда жойлардаги масъулларимиз, биз — сенаторлар ва депутатлар бу масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Бу йил мамлакатимизда **“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”** деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги мураккаб замонда ёшларимизни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш, халқимизни янада бирлаштириш ва жипс-лаштиришга, ҳеч шубҳасиз, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган маҳалланинг ўрни ҳамда аҳамияти катта. **“Маҳалла — жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси”** сифатида жамиятнинг юксаклигини белгиловчи маскан саналади.

Албатта, бугун хотин-қизларимиз жамиятни юксалтиришда ҳал қилувчи куч ва асосий драйверлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Аёлларимизнинг маҳаллий бошқарув тизимидаги фаоллиги ҳам ортиб бормоқда. Маҳалла раисларининг 1 419 нафари, яъни 15 фоизи аёллардан иборат. Улар оила ва маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда бевоқифа катнашмоқда.

Тўғри, қайсидаир маҳаллада сув муаммоси, қайсидаир йўл ёки бошқа муаммолар бўлиши мумкин. Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида буларнинг барчаси ҳисобга олинди, керакли маблағлар йўналтирилди. Демак, улар ҳал этилади. Бироқ биз — аёллар қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, бир нарсани, яъни Яратгандан берилган энг муқаддас инъом — оналик масъулиятини унуттишга ҳаққимиз йўқ. Нега деганда, оилада онанинг ўрни, унинг фарзандлар тарбиясига қўрсададиган беқиёс таъсирини бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Шу мақсадда жамиятнинг асосий таянчи бўлган оилада, маҳаллада маънавий муҳитни яхшилаш, фарзандлар тарбиясидagi масъулият, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва шу каби ташаббусларни кенг ёйиш мақсадида обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга опа-сингилларимиздан иборат жамоатчилик тузилмалари фаолиятини янада жадаллаштиришимиз лозим.

Маҳаллани чин маънода меҳроқибат, ҳамжихатлик, адолат ва тарбия масканига айлантириш ҳар биримизнинг бурчимиз, энг долзарб вазифаларимиздан биридир. Гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ўз фаолияти доирасида қатор давлат бошқаруви органлари, “Оқила аёллар” жамияти, “Оқила аёллар” ҳаракати, Ўзбекистон етакчи аёллари мулоқоти каби қўллаб-қувватлаш тузилмалари билан бу борадаги саъй-ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда илмий асосда, янги ақша услуб ва мазмунда давом эттирмоқда.

Халқимиз азал-азалдан аёлни она, тарбиячи, миллат давомчиси ва оила деб аталган қўрғоннинг мустаҳкам таянчларидан бири сифатида улуғлаб келган. Зеро, аёл — ҳаёт биносининг мустаҳкам пойдевори. Шу боис хотин-қизларга ҳамма шароитлар бадастир қилиниб, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқарилаётган экан, Янги Ўзбекистон янада гуллаб-яшнаб, жаҳонда обрў-эътибори мустаҳкамланиб бораверади. Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда, **аёл қадри, инсон қадри улугланган юрда тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва барака барқарор бўлади.**

Биз юқорида аёл зотига эҳтиром рамзи дея тилга олган муаззам обидалар тарихдан дарак берса, бугун кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик ва исмли қўрилмаган имкониятлар опа-сингилларимиз қадрини, қаддини мана шу обидалар сингари юксакларга кўтармоқда.

**“Биз — аёллар қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, бир нарсани, яъни Яратгандан берилган энг муқаддас инъом — оналик масъулиятини унуттишга ҳаққимиз йўқ. Нега деганда, оилада онанинг ўрни, унинг фарзандлар тарбиясига қўрсададиган беқиёс таъсирини бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шу мақсадда жамиятнинг асосий таянчи бўлган оилада, маҳаллада маънавий муҳитни яхшилаш, фарзандлар тарбиясидagi масъулият, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва шу каби ташаббусларни кенг ёйиш мақсадида обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга опа-сингилларимиздан иборат жамоатчилик тузилмалари фаолиятини янада жадаллаштиришимиз лозим.”**

лар мобайнида республика бўйича 5,1 миллиондан ортиқ хотин-қизлар мазкур дафтарга рўйхатга олинган ва уларга тегишли тартибда амалий ёрдам кўрсатилган. 2024-2025 йилларда “аёллар дафтари” электрон реестр шаклига ўтказилиб, маълумотлар битта тизимга интеграция қилинган, аёлларга ёрдам бериш тизими “Ёшлар дафтари” ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармалари билан боғланди.

## Халқроқ эътироф

Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётининг барча даражасида фаол иштирокини таъминлаш бутун дунёда долзарб масала сифатида турибди. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг дунё аёлларини тинчлик ва тараққиёт йўлида бирдамликка чорлайдиган, ҳозирги кунда барчани бирдек ўйланмоғига глобал миқёсдаги муаммоларга кенгашиб, оқилона ечим топиш, минглаб беғуноқ одамлар қурбон бўлаётган дахшатли урушларни зудлик билан тўхтатишга қаратилган ташаббуслари дунё ҳамжамияти томонидан қизғин қабул қилинмоқда.

Биз Президентимиз қўллаб-қувватлови билан сўнгги йилларда Ўзбекистонда ташкил этилган Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарлари саммити, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти хотин-қизлар форуми, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти, Осиё хотин-қизлари форуми йиғилишларида бутун Ер юзиди инсоният тақдирини хавфга қўяётган мана шундай ўтқир муаммоларни қизғин муҳокама қилиб, ўз позициямизни қатъий билдирмоқдамиз.

Ушбу нуфузли халқроқ тузилмаларнинг глобал миқёсдаги долзарб масалаларга бағишланган тадбирлари юртимизда юқори савияда ўтказилаётгани давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатимизда парламентаризмни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда жамиятни демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар, уларнинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилаётганига ёрқин мисол бўла олади.

Биргина ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистон парламенти вакиллари дунёнинг турли давлатларида ўтказилган гендер масалаларига бағишланган нуфузли анжуманларда фаол иштирок этди. Хусусан, делегациямиз Женевада Парламентлараро Иттифоққа аъзо мамлакатлар вакиллик органлари аёл спикерларининг инклюзив ва узоқ муддатли тинчлик йўлида етакчилик масалаларига бағишланган 15-саммитида катнашди. Барча иштирокчилар Ўзбекистонни Парламентлараро Иттифоқнинг ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган 150-ассамблеясида “Гендер тенгликка эришамиз: ҳаракатлар кетидан ҳаракатлар!” шиори остида гендер тенг-

ликка қарши курашиш, “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” дастурини амалга ошириш, гендер масалаларини давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаш ҳамда БМТнинг “Пекин+30” ва ЕХТНинг “Гендер ҳаракатлар режаси” ташаббуслари доирасида халқроқ ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг гендер тенгликни таъминлаш, аёллар ва қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини рағбатлантиришга содиқлигини намойиш этди.

Бундан ташқари, ўтган йилнинг май ойида БМТ Аёллар тузилмаси юртимизда ўз ваколатонасини оқигани ҳам ҳамкорлигимизнинг янада самарали бўлишига хизмат қилаётди. Бу воқеа мамлакатимизнинг гендер тенглик, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришни миллий ривожланишнинг устувор йўналиши сифатида илгари суришдаги қатъий позициясини яна бир бор намоеън этди. Албатта, ушбу тузилма ҳамкорлар ва миллий институтларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, гендерга сезгир сиёсатни шакллантириш ва барча соҳада аёллар ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга қаратилган янги ташаббусларни илгари суриш имконини беради.

Бу натижалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари самарали таъминланаётгани, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун зарур шарт-шароит яратилаётгани туфайлидир, десак, асло адашмаган бўламиз.

Давлатимиз раҳбари ўз табирида гендер тенгликни таъминлаш бўйича мамлакатимизда эришилган ютуқлар ва қисқа муддатда қўлга киритилган юқори натижаларнинг эътирофи халқроқ рейтинглардаги ўрнимиз тобора яхшиланиб бораётганида ўз ифодасини топаётганини рақамлар мисолида келтириб ўтди.

## Келажак олдидаги масъулият

Президентимиз дунёдаги вазият таҳликали бўлиб бораётган бир пайтда юртимизда тинчлик-осойишталик улуг незъматлигини янада чуқур ҳис этиш, уни асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини таъкидлади.

**“Инсон ҳаётини, жамият тараққиётини хотин-қизларсиз, уларнинг эзгу фазилатларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз сизларнинг тисмолингизда Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлиб майдонга чиқаётган 22 миллионлик ёш авлодни оналик меҳри билан тарбиялаб, вояга етказган буюк бир кучни кўраимиз.**

**Сизлар тадбиркор, олим, муаллим, шифокор, муҳандис, давлат ва жамоат арбоби, бир сўз билан хонадонларимиз фаршга, оила ва жамият таянчи, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз”**, деди давлатимиз раҳбари.

**“Ўнлаб қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, хотин-қизларнинг жамиятдаги ҳамда давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида Гендер стратегияси доирасида аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўқитиш, зўравонлик ҳамда тазйик ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, бошқа долзарб вазифалар ижросига қаратилган 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.”**

балки сифат жиҳатдан ҳам юқори натижаларга эришаётгани уларнинг қанчалик илмий салоҳиятга эга эканини яққол намоеън этмоқда.

## Саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси

Тан олиш керак, яқин ўтмишда “зўравонлик”, “камбағаллик”, “мажбурий меҳнат” каби сўзларни ишлатишда қанчалик эҳтиёткор бўлган бўлса, гендер тенглик ҳақида гапиршидан ҳам шунчалик чўчир эдик. Бундай ҳақиқ йиллар давомида одамларимиз онгиди гўёки жамиятда гендер тенглик таъминланса, бу аёлларнинг эркаклардан устун бўлишига олиб келади, деган тушунчанинг шаклланиб қолишига сабаб бўлди. Гендер тенглик — билим олиш, касб танлаш, лавозимга кўтарилишда эркаклар билан аёлларга бирдек имконият яратишни аниқлаштириш тушунишга ўзи-

ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич маҳаллий Кенгашларда 25 фоиздан 32,5 фоизгача кўтарилди. Сиёсий партияларда хотин-қизлар улуши 47 фоиз, олий таълимда 52 фоиз, тадбиркорлик соҳасида эса 37 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, бугунги кунда 2 мингга яқин давлат ва жамоат ташкилотларида хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларини эгаллаган.

## “Аёллар дафтари” — қалб гавҳари

Мана, бир неча йилдирки, бу тизим ўзбек аёлларининг чин маънодаги кўмакчисига айланиб улгурди. Унинг шаклланиши, зулуксиз юриштиб борилаётгани жамият ва давлат ҳар бир кўмакка муҳтож аёл тақдирига бефарқ эмаслигининг ифодаси аслида. Шу орқали эҳтиёжманд, ишсиз, оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларга манзилли ёрдам кўрсатилади. Биргина ўтган йилнинг ўзида “аёллар

Сенаторлар — ҳудудларда

Аҳоли ва ёшлар учун манфаатли учрашувлар

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов Сурхондарё вилоятига хизмат сафари давомида аҳоли билан учрашувлар, сайёр қабуллар ўтказди.

Денов туманида бўлиб ўтган сайёр қабул давомида 147 нафар фуқаронинг муурожаатларига қулоқ тутилди. Шундан 76 нафари жойида ижобий ҳал этилди, 71 та муурожаат қўшимча ўрганишга юборилди ва назоратга олинди. Қабулда кўриб чиқилган муурожаатларнинг 20 таси жиноят, 5 таси фуқаролик ишларига оид бўлиб, улардан 5 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, 20 таси ўзи ечимини топди.

Хусусан, жиноят ишлари бўйича Шўрчи, Олтинсой, Сарийосиё ва Узун туманлари судларининг тақдирнома (илтимоснома)лари асосида 20 нафар маҳкум ўталмай қолган ахлоқ тузаги ишлари ва бошқа жазолардан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди, фуқаролик ишлари бўйича эса 24 нафар фуқаронинг вояга етмаган фарзандлари таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги аризалари қаноатлантирилди.

Қабул жараёнида Денов тумани Қовунлисий маҳалласида яшовчи фуқаро С. П.нинг 4 млн. сўм қарздорликни ундириш бўйича муурожаати, шу туманнинг Сина-1 маҳалласида яшовчи фуқаро Г. З.нинг оилавий низо билан боғлиқ масаласи ҳамда Олтинсой туманидаги Янги қурилиш маҳалласида яшовчи фуқаро Т. С.нинг пластик картасидан ноқонуний равишда маблағ ечиб олингани юзасидан қилган муурожаатлари ижобий ҳал этилди.

Назоратга олинган муурожаатлар бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган олинди ва қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун улар тегишли мутахассисларга бириктирилди.

Шунингдек, сенатор ва ёшлар ўртасида очиқ мулоқот ҳам ташкил қилинди. Унда ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими вакиллари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ва фаоллар қатнашиб, ўзларининг бугунги кундаги муаммолари, тақдир ва ташаббуслари борасида аҳолига фикр билдирди.

Учрашув давомида ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, стартап ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни турли салбий иллатлардан асраш ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари ҳам назардан четда қолмади.

Тадбир давомида ёшлар томонидан билдирилган муурожаат ва тақдирлар мутасадди раҳбарлар томонидан тингланиб, уларни ҳал этиш юзасидан масъул ташкилотлар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

Миришкорларга яратилган шароитлар ўрганилди

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдиқаримова Андижон вилоятининг бир қанча ҳудудларида бўлиб учрашувлар ўтказди, тадбирларда қатнашди.

Дастлаб Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар институтига бўлиб ўтган "Агро-Замин юлдузлари" кўрик-танловининг яқини босқичида иштирок этди.

Ушбу танлов нафақат иқтидорли талаба-қизларни кашф қилиш, балки уларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни мустаҳкамлаш ва келгусида аграр соҳанинг рақобатбардор, малакали мутахассисларини тайёрлашга қаратилган нуфузли майдон сифатида аҳамият касб этмоқда.

Унда иштирокчилар қишлоқ ҳўжалигида замонавий технологияларни жорий этиш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва аграр соҳада инновацион ёндашувларни ривожлантиришга қаратилган гоғалари билан ўртоқлашди.

Шунингдек, сенатор вилоятдаги айрим иссиқхона ҳўжалиklarининг фаолияти, яратилган шарт-шароитлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёни билан қизикди.

Ўрганиш давомида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифатини назорат қилиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, илмий асосланган агротехнологиялардан самарали фойдаланиш, фермер ва тадбиркорларни уруғчилик ҳамда агрокеми хизматлари билан таъминлаш механизмлари ҳолати кўздан кечирилди. Бундан ташқари, Катта Фарғона каналининг Норин-Қорадарё қисмига тегишли ер майдонларини кўздан кечириб, шу ҳудудда жойлашган музейда ҳам бўлди.

Мазкур ҳудудлардаги иссиқхоналарда меҳнат қилаётган ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар, маҳсулотларни сақлаш, саралаш ҳамда бозорга етказиб бериш жараёнлари билан танишди.

Сенатор фаолият юритаётган мутахассислар билан ўтказган мулоқотда иссиқхона ҳўжалиklarини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳамда маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратди.

«Халқ сўзи».

Давлат дастурининг ижроси: МАСЪУЛИЯТ ВА ҲАМКОРЛИК

Президентимиз ташаббуси билан кенг халқ муҳокамаси асосида давлат дастурларини қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида Янги Ўзбекистоннинг ўз йўли ва тажрибаси шаклланган. Мамлакатимизда ҳар йили Президент фармони билан қабул қилинадиган давлат дастурлари стратегик ташаббус сифатида мустаҳкам ҳуқуқий, институционал асосларга эга. Энг муҳими, бу дастурлар орқали халқимизнинг аниқ эҳтиёжларидан келиб чиққан иқтисодий-ижтимоий масалалар ҳал этилмоқда. Давлат дастурларида чора-тадбирлар, муддатлар, ижрочи органлар, зарур ресурслар белгилаб, ҳар бир вазифа жамоатчилик назорати остида бажарилмоқда.

Нутқан назар

Мамлакатимизда ҳар бир йил учун муҳалланган давлат дастурини қабул қилиш, унинг ижро нозоратини олиб бориш, белгиланган чора-тадбирларни ҳукумат билан ҳамкорликда амалга оширишда парламент, хусусан, Қонунчилик палатаси муҳим ўрин тутди.

Давлат дастурини белгиланган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида 2025 йилда Қонунчилик палатасининг мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ахбороти эшитилди. Ўтказилган "ҳукумат соати"ларида дастур ижроси бўйича аниқ саволларга жавоблар олинди. Вазирилик ва идораларга парламент ва депутат сўровлари юборилган.

Яқинда депутатлар Қонунчилик палатасининг мажлисида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва яшил" иқтисодиёт йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2025 йилда бажарилиши юзасидан Вазирилик раҳбарларининг ҳисоботини муҳокама қилган эди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йил бошида бешта асосий йўналиш ва юзта мақсадни қамраб олган давлат дастури ҳамда уни тасдиқлаш тўғрисидаги Президент фармони

Шухрат ЯКУБОВ, Қонунчилик палатаси депутати:

— Ҳукумат давлат дастурининг 2025 йилда бажарилиши юзасидан таҳлил қилиш ва келгуси йиллар учун амалий ҳулосалар чиқариш зарурлигини таъкидлаш мумкин. Масалан, энг оғир аҳволдаги 1024 та маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш вазифасининг ижроси тўлиқ охирига етказилмаган. Сув, электр, йўл ва интернет тармоқларини яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилган бўлса-да, айрим ҳудудларда лойиҳаларнинг ижроси муддати узайтирилган. Бу ҳолат ҳудудлар кесимида ижро интизомининг бир хил эмаслигини, маҳаллий ҳокимият органларининг масъулияти ва ташаббусларининг янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.



Ўтабек МУСУРМОНОВ, Қонунчилик палатаси депутати:

— Минтақа ва мамлакатдаги вазирликларнинг ўз вақтида аниқлаш, таҳлил этиш ва уларга нисбатан теъкор чоралар кўриш имкониятини чеклайди. "Атроф-муҳит мониторинги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса айнан ушбу муаммоларни ечиб, мамлакатда экологик ахборот тизимини тубдан тақомиллаштиришга йўл очди.



Жумладан, Президентимизнинг 2025 йил май ойида қабул қилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги чора-тадбирлар сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи Қонунчилик палатаси фаолиятида ҳам устувор

Муносабат

ЭЛ-ЮРТ САЛОМАТЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Бугунги кунда дунёда инсон саломатлигини таъминлаш масаласи стратегик аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Айниқса, фармацевтика соҳасини ривожлантириш, аҳолини сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш ҳар бир давлатнинг ижтимоий сийёсатини белгилаб берадиган муҳим омилдир.



Шу маънода, мамлакатимизда ҳам мазкур соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва уни янги босқичга олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада Президентимиз томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, имзолаётган қарор ва фармонлар, соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган стратегик ташаббуслар фармацевтика тармоғининг жадал ривожланишига хизмат қилляпти.

Илгари, асосан, импортга таянган ушбу тармоқ босқичма-босқич маҳаллий ишлаб чиқаришга асосланган янги моделга ўта бошлади. Бунда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ташкил этилиши соҳада ягона давлат сийёсатини юритиш, лицензиялаш ва назорат механизмларини тартибга солишда муҳим қадам бўлди. Қолаверса, мамлакатимизда фаолияти йўлга қўйилган иттиҳослаштирилган фармацевтика аркин иқтисодий зоналари маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратди.

Бу ҳудудларда замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Мазкур иқтисодий зоналар фармацевтика соҳасида инвестицияларни жалб қилиш, инновацион ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришда кўл келаяпти.

Фармацевтика соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг энг муҳим натижаларидан бири — ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушининг кескин ошганидир. Агар 2016 йил-

Соҳа ривожига мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш муҳим роль ўйнайди. 2016 — 2026 йиллар давомида ушбу соҳани ислоҳ этишга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ҳам бу борада муҳим ишлар амалга оширилляпти. Хусусан, фармацевтика соҳасига оид ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда дори воситалари импортини тартибга солиш, рецетп билан бериладиган дори воситаларининг ноқонуний айланмаси учун жавобгарликни кучайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш каби муҳим масалалар ўз аксини топган.

Кунги кеча давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган фармацевтика тармоғида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда соҳага илгор технологияларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишда соҳа истиқболига қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди, янги имкониятлар эълон қилинди. Буларнинг барчаси нафақат ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш, балки аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш, янги ишлаб чиқариш тармоқларини шакллантириш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилляпти.

Биз, халқ вакиллари, белгиланган вазифалар ижроси устидан доимий ва самарали парламент назоратини таъминлаш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш йўлида фаол иш олиб борамиз.

Назира МУХТОРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.

САОДАТ МАНЗИЛИНИНГ БАҲТЛИ БЕКАЛАРИ

Кеча Кўксарой қароргоҳида Президентимиз иштирокида бўлиб ўтган тантанали маросим Янги Ўзбекистоннинг илдишларини меҳр-муҳаббат билан парвариш қилаётган хотин-қизларимиз тақдирини ун қўллаб ўзгаришларни тўхфа этди, десак, муболага эмас.



Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган рақамлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади: жорий йилнинг ўзида 1,5 млн. аёлни даромадли қилиш учун 25 трлн. сўм маблағ йўналтирилиши белгиланди. Бу миллионлаб хонадонларга кириб борадиган ризку барака демакдир. Ўз навбатида, шунча инсон доимий иш жойига, даромад манбаига эга бўлади, дегани.

"Даромадли аёл" ва "Ҳамроҳ" дастурлари эса уйда ўтириб, фарзанд тарбияси билан банд бўлган ҳолда ҳам иқтисодий фаолликка интилаётган аёлларимиз учун чинкам манфаатли ташаббуслар. Бунда касаначилиқдан тортиб, юқори технологияли стартапларгача бўлган масофа қисқармоқда.

Юз минг нафар хотин-қизнинг ахборот технологияларига ўқитилиши эртага ўзбек аёлининг замонавий қиёфасини белгилаб беради. Эндиликда қишлоқдаги қизларимиз ҳам масофадан туриб жаҳон бозорига чиқиш имконига эга бўлади.

Маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек: "Аёллар миллат тарбиячиларидир". Президентимиз илгари сурган ушбу жадидона таълим ислохотлари айнан шу гоғага сунади:

— эҳтиёжманд оила қизлари учун 4000 та грант квотаси ажратилиши минглаб истеъдодли қизларнинг орзуларига қанот бағишлайди;

— магистратура ва техникумлар учун имтиёзлар, янги давлат томонидан шартнома пулларининг тўла берилиши илм йўлини танлаган қизларимиз учун ҳақиқий чироқ бўлади;

— эндиликда инновацион стартаплар,

вазифа саналади. Жумладан, палата томонидан аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазасини кучайтириш, қурилишда чанг ва кум заррачалари ҳавога кўтарилишининг олдини олиш, ер ости сув ресурсларини муҳофаза этишга қаратилган қонунлар қабул қилинди.

2025 йилги давлат дастурида Қонунчилик палатасига "Атроф-муҳит мониторинги тўғрисида"ги ҳамда "Иқлим ўзгариши тўғрисида"ги қонун лойиҳалари киритилиши назарда тутилган эди. Лекин ҳозирга қадар мазкур ҳужжатлар киритилмаган. Бу ҳолат, албатта, депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Шу ўринда ҳақиқ сабаб туғилади, ҳўш бу лойиҳалар нега зарур ва нега теъкор қабул қилиниши керак?

Биринчидан, ҳозирда атроф-муҳит ҳолатига оид маълумотлар турли идораларда тарқок ҳолда юритилляпти. Бу эса экологик хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш, таҳлил этиш ва уларга нисбатан теъкор чоралар кўриш имкониятини чеклайди. "Атроф-муҳит мониторинги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса айнан ушбу муаммоларни ечиб, мамлакатда экологик ахборот тизимини тубдан тақомиллаштиришга йўл очди.

Иккинчидан, "Иқлим ўзгариши тўғрисида"ги қонун лойиҳаси стратегик аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳужжатнинг қабул қилиниши билан иқлим ўзгаришига қарши курашиш самарадорлиги ортади. Иқтисодиётни паст углеродли ривожланиш моделига ўтказиш, "иссиқхона газлари" ташламаларини камайитириш ва иқлимга мослашув чораларини кўриш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилади.

Шу муносабат билан масъул идоралардан ушбу қонун лойиҳаларини теъкорлик билан ишлаб чиқиб, Қонунчилик палатасига киритиш, уларни кенг муҳокама асосида қабул қилиш ва амалиётга жорий этиш бўйича аниқ чоралар кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

«Халқ сўзи».

2026 йил 1 апрелдан республиканинг барча халқаро аэропортларида чет эл фуқароларига ҚҚСни қайтариш тизими йўлга қўйилади.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, featuring contact information for the editorial office, subscription rates, and a QR code for more details.